



Мурожаат ечим топмагунча
**ИЖРО ҚАТЪИЙ
НАЗОРАТДА ТУРАДИ**

3-с.

Ишлаганга маҳалла,
**ИМКОН БЕРАР
ҲАР ПАЛЛА**

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№58
(2386)**

**2026 йил
22 июль,
ЧОРШАНБА**

Maḥalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

Маҳаллани ривожлантиришда “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинди

КУН НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунигача қилинадиган ишлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда “маҳалла еттилик” ишини янгича ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Утган ҳафта бу борада барча масалалар тушунтирилиб, масъулларга аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Бу борада “Долзарб 40 кунлик” эълон қилиниб, 2 мингта энг оғир маҳаллада ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш бошланди. Ушбу маҳаллаларда ҳоким, маҳалла раиси ва бандлик бўлими ўртасидаги уч томонлама шартномалар қайта қўриб чиқилди.




Ҳокимлар 2 мингта оғир маҳаллада электр, газ, йўл ва сув масалаларини ўз вақтида ҳал қилишга шахсан жавобгар бўлади. **Бандлик тизими масъуллари** эҳтиёжманд аҳолини ўқитиш, ишга жойлаштириш ва даромадини ошириш мақсадида ҳудудма-ҳудуд юради. **Маҳалла тизими раҳбарлари**га 8 минг 992 та маҳаллада кўчалар ва уйларни обод қилиш, дарахт ва кўчат экиш, ариқларни тоза тутиш бўйича аниқ мажбуриятлар юклатилди. **Давлатимиз раҳбари банкларнинг маҳалладаги ишидан мутлақо норози эканини билдирди.** Шу боис, Марказий банкнинг вилоятлардаги раҳбарлари ва давлат банклари филиаллари бошликларининг фаолиятига қатъий эътироз билдирилди. Вилоят ва туман банклари ҳамда маҳалла уюшмалари учун бу йил синов ва амалий аттестация йили бўлади. Кейинги уч ойда натижа қилган раҳбар ишида қолади, ўзгариш қилмагани эса лавозимини тарк этади. Бош прокуратура ва Ҳисоб палатасига **ҳар бир маҳаллада қандай иш кетаётгани, қандай ўзгариш бўлаётганини назорат қилиш** вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, маҳаллаларда озодалик, яшаш маданияти ва ҳовлилар билан ишлаш масалалари ҳам танқидий қўриб чиқилди. Ҳовли уйларни ҳам бошқарув компаниялари фаолияти билан қамраб олиш муҳимлиги қайд этилди.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

**“ТОП-100”:
СИЗНИНГ ҚАНДАЙ
ТАШАББУС ВА
ТАЖРИБАНГИЗ БОР?**

ОИЛА ҚУРИШ ИЛМИНИ БОЛАЛИҚДАН БОШЛАШ КЕРАК



Намунали маҳалла сири оддий — мулоқот, мулоқот ва яна мулоқот. Қачонки сиз одамларни тингласангиз, уларнинг дардини ҳис этсангиз, хонадон-ма-хонадон юриб, ҳар бир муаммонинг илдизига етишга ҳаракат қилсангиз, одамлар ҳам сизга ишонади. Ишонч бор жойда эса ҳар қандай муаммонинг ечими топилади.

Маҳалла идорасининг эшиги ёпиқ бўлмаслиги керак. Ҳар бир мурожаат эътиборсиз қолмаслиги, хонадонларнинг қувончи ва ташвиши ўзиникидек қабул қилиниши лозим. Ана шунда маҳаллада ўзгариш бошланади.

Мен бир ҳақиқатга амин бўлганман: маҳаллага раҳбарлик қилиш — инсонларни тушуниш санъатидир. Агар раис ҳар куни одамлар орасида бўлса, ҳар бир хонадон эшигини бемалол тақиллата олса, аҳоли эса ўз муаммосини эркин айта олса, энг оғир масалалар ҳам ечим топади.

Давоми 2-саҳифада.



ОБОДЛИК ВА САХОВАТНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАНЗИЛИ — МАҲАЛЛА!

**“Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги”
поклик ва эзгулик туйғусини тарбиялайди**

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 16 июль куни маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини мутлақо янгича ёндашув асосида ташкил этишга бағишланган видеоселектор йиғилишини маҳалла тизими фаолиятида янги босқични бошлаб берувчи муҳим воқелик бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Унда илгари сурилган ташаббуслар маҳаллаларнинг ривожланишида мутлақо янги муҳит ва янги иш услубини шакллантиришга хизмат қилади. Жумладан, йиғилишда Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги байрамиди маҳаллаларда кўтаринки руҳда ўтказиш учун “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” эълон қилинди. Маҳаллада ободончилик ишларини ташкил этиш бўйича Бош вазир бошчилигида республика штаби тузилади. Бу ишлар бир ойлик акция эмас,

балки йил бўйи ишлайдиган умуммиллий ҳаракатга айлантирилади. Меҳнатга яраша рағбат бўлиши учун йил якуни билан кўп қаватли уйлардаги “Энг ораста хонадон”, маҳалладаги “Энг фойдали ҳовли”, ҳудуддаги “Энг обод кўча”, туман ва вилоятдаги “Энг намунали маҳалла” танловлари жорий этилади. Танлов ғолибларига мол-мулк ва ер солиғидан имтиёз берилади. Яхши тажриба яратган “маҳалла еттилиги” мукофотланади.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



Тошкент шаҳрида маҳаллаларни ривожлантириш ва “маҳалла еттилиги”нинг янги фаолият тамойилларига бағишланган кенг қўлланма тақдимот бўлиб ўтди.

Ойтахтдаги барча 585 та “маҳалла еттилиги” аъзолари иштирок этган тадбирда маҳаллаларнинг бизнес-режалари, даромад манбалари, харажат йўналишлари, устувор лойиҳалар ва уларни амалга ошириш тизимлари диққат марказида бўлди. Янги ёндашувнинг бош мақсади маҳаллани фақат маълумотнома бериладиган ёки ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат қилинадиган идора эмас, ҳудуд тараққиётини бошқарадиган ҳақиқий ривожланиш марказига айлантиришдан иборат. Бу вазифа “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида назарда тутилган.

Давоми 2-саҳифада.



7-саҳифа

**ФАҚАТ
РАИС ЭМАС,
“ЕТТИЛИК”
АЪЗОСИ ҲАМ
ЛАВОЗИМГА
САЙЛАНСА...**




5-САҲИФА

**МУЛОҚОТ КЕЧИКДИМИ,
ИҚТИДОР КАМАЯДИ,
ИШТИЁҚ ҚЎЛЛАНМАСА,
ИНТИЛИШ ЙЎҚОЛАДИ**

6-САҲИФА

**“ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ”
МУҲТОЖЛАР ҲАЁТИДА
МУЖАССАМ...МИ?**





ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ичимлик ва оқова сув хизматларини янада яхшилаш чоратadbирлари юзасидан тақдимот билан танишди.



ДАВЛАТИМИЗ РАХБАРИ Беларусь Республикаси Бош вазири ўринбосари Виктор Каранкевич бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



ЎЗБЕКИСТОН ва ОЗАРБАЙЖОН нефть-газ, автосаноат ва тураржой қурилиши бўйича янги лойиҳаларни бошлайди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”



“МАҲАЛЛАДА ОБОДЛИК ВА МЕҲР-САХОВАТ ОЙЛИГИ”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ОБОДЛИК ВА САХОВАТНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАНЗИЛИ — МАҲАЛЛА!

Жамшид НАЗАРБОВЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

“Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” бу-гун юртимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги маҳаллалар, кўчалар, гузар ва хонадонларда қизгин давом этмоқда.

Ойлик доирасида Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳаллалар, аҳоли яшаш масканлари, кўп қаватли уйлар атрофи, ҳовлилар, гузарлар, кўча ва йўлақлар, болалар майдончалари, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилипти. Дарахтларга шакл бериш, оқлаш ва парвардилаш, қариқ-зовурлар ҳамда сув тармоқларини тозалаш, яшил ҳудудларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Дарҳақиқат, ободлик, аввало, инсоннинг дунёқараши билан бошланади. Ҳар бир хонадон эгасининг ўз уйи, ҳовлиси ва кўчасига муносабати маҳалланинг қиёфасини белгилайди. Шу маъно-

да, Президентимиз ташаббуси билан бошланган мазкур ойлик жамиятда масъулият, ҳамжиҳатлик ва фуқаролик маданиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ойлик доирасида тонг саҳардан Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги “Сойибобод” маҳалласида ҳам аҳоли, нуронийлар, ёшлар, давлат ташкилотлари жамоалари иштирокида умумхалқ ободонлаштириш ҳашари бошланди. Кўчалар, йўлақлар ва ариқ-зовурлар тозаланди, дарахтларга агротехник ишлов берилиб, уларнинг таналари оқланди. Ички йўлларнинг айрим қисмларига шағал ётқизилиб, аҳоли учун янада қулай ҳаракатланиш шароитлари яратилди.

Навобий вилоятида ҳам ойлик доирасида хонадонларда тозалик ва санитария-гигиена ҳолатини ўрганиш ишлари ташкил этилди. Жумладан, Навобий шаҳрининг “Ҳаёт” маҳалласидаги ўрганишлар давомида фуқаролар хонадонларининг ички ва

ташқи озодалиги, ҳовли ва кўчалар, ошхона, тандирхона ҳамда ёрдамчи хўжалик ҳудудларининг санитария ҳолати атрофлича кўздан кечирилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Очиқ мулоқотларда маҳаллаларда янги муҳит яратиш ғоясининг мазмун-моҳияти яна бир бор тушунтирилди. Шунингдек, маҳалла фаоллари, нуронийлар ва жамоатчилик вакиллари-нинг аҳоли ўртасида тозалик маданиятини юксалтиришдаги ўрни алоҳида таъкидланди.

Ойлик доирасида эҳтиёжманд, ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган инсонлар ҳолидан хабар олинаётгани ташаббуснинг маънавий аҳамиятини янада оширади. Ҳовлиси тартибга келтирилган, девори оқланган ёки томи таъмирланган хонадон эгалари учун бу оддий қурилиш иши эмас, балки инсон қадрига берилган эътибор, меҳр ва ғамхўрлик ифодасидир.

Энг муҳими, мазкур ойлик ободликни бир ойлик тадбир эмас, балки доимий ҳаёт тарзига айлантириш ғоясини илгари сурмоқда. Агар ҳар бир хонадон ҳар кунги ўз оstonасини саришта тутса, ҳар бир кўча аҳли ўз ҳудуди учун масъуллик ҳис қилса, маҳаллаларимиз йил давомида обод ва файзли бўлиб қолаверадим.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Маҳалла раислари учун жамоага асосланган хизматларни ривожлантиришга қаратилган халқаро ўқув-тренинг семинари ўтказилди.

МАҲАЛЛА БОШҚАРУВИГА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ



Семинар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Германиянинг Ханнс Зайдель жамғармаси ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Анг-лашув меморандуми доирасида ташкил этилди.

Анжуман давомида иштирокчилар молиявий саводхонлик, камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича зарур қўникмаларга эга бўляпти. Ҳуқуқий хабардорлик, хизмат кўрсатиш ҳамда тренерлик услублари бўйича назарий ва амалий машғулотларда иштирок этмоқда. Мазкур семинар маҳалла раисларининг касбий ёндоқчилигини ошириш, замонавий ёндашувлар ва халқаро тажрибаларни маҳалла тизимига кенг жорий этишга хизмат қилади.

Семинар 23 июлгача давом этади.

ЖАРАЁН

Ривожланишнинг ЯНГИ ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Эндиликда ҳар бир маҳалладаги ишлар ҳудуднинг аниқ ҳолатини чуқур таҳлил қилиш асосида ташкил этилади. Яъни маҳаллада қанча аҳоли истиқомат қилаётгани, қайси оилалар ижтимоий кўмакка муҳтожлиги, қаерда янги иш ўринлари яратиш зарурлиги, қандай инфратузилмавий муаммолар мавжудлиги ва қайси лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлиги аниқ белгилаб олинади. Бу эса алоҳида мурожаатларга жавоб бериш амалиётидан маҳаллани тизимли ва узоқ мuddатли ривожлантиришга ўтишни англатади.

— **Тадбирда ҳар бир маҳалла учун асосий муаммолар, мавжуд имкониятлар ва устувор лойиҳалар белгилаб олинishi кераклиги ўқитрилди, — дейди Юнус-обод туманидаги “Регистон” маҳалласи раиси Шухрат Болтабоев. — Ҳар бир лойиҳа бўйича зарур маблағ ҳажми, унинг молиялаштириш манбалари, масъул ижрочилар ва қутилаётган натижалар аниқ кўрсатилиши керак. Ана шундай режалаштириш ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлар изчиллигини таъминлаш ва лойиҳаларнинг ярим йўлда тўхтаб қолишининг олдини олади.**

Тақдимот давомида Чилонзор туманидаги “Новза” маҳалласи мисолида “маҳалла еттилиги” фаолияти туманининг бизнес-режаси ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари билан қандай уйғунлаштирилиши кераклиги амалий мисоллар орқали кўрсатиб берилди.



— **Янги тизимда “маҳалла еттилиги” ягона жамоа сифатида ишлайди, — дейди “Новза” маҳалласи раиси Мансур Сиддиқов. — Бу жараёнга маҳалла баниқирлари ҳам жалб этилади. Ҳар бир аъзо ўз йўналиши учун масъул бўлса-да, муаммоларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик асосий мезон ҳисобланади. Масалан, ишсизликни бартараф этиш учун касбга ўқитиш, имтиёзли кредит ажратиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ёки муносиб иш жойини топиш каби бир нечта йўналишда бир вақтнинг ўзида иш олиб бориш талаб этилади. Шунинг учун фуқаро турли идораларга қатнаб юрмасдан, барча масъуллар ўзаро ҳамжиҳатликда унинг муаммосини ҳал қилиши лозим.**

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ОИЛА ҚУРИШ ИЛМИНИ БОЛАЛИҚДАН БОШЛАШ КЕРАК

Амона ХОЛИҚОВА, Қуйи Чирчиқ туманидаги “Мингчинор” маҳалласи раиси.

Биз “ТОП-100” талikka кириш йўлини айнан мулоқот тамойили асосида босиб ўтдик. Масалан, маҳалламизда ишсиз сифатида рўйхатда турган 79 нафар фуқаронинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашдик. Кимнинг қандай касб-хўнари бор, ким нимага қизиқади, кимга ўқиш, кимга эса иш ўрни кераклигини ўргандик.

Айтайлик, Аҳдам Усмонов узоқ вақт иш тополмай юрган эди. Унинг қизиқишларини билиб, маҳалламиз ҳууддида тикув цехи очилишига кўмаклашдик. Яна бир фуқаро — Азиза Ашировада

меҳнат қилиш истаги бор, аммо маблағи йўқ эди. Унга имтиёзли кредит олишда амалий кўмак берилди. Натижада тикувчилик фаолиятини бошлади. Ёки Фахриддин Турғунов ва Жамалиддин Раҳмонжоновга чорвачилик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, “маҳалла еттилиги”га йўналтирилган 268 та масаланинг барчаси белгиланган мuddатларда ҳал этилди. Ҳар бирининг мазмунига ечим топишга ҳаракат қилдик. Ичимлик сув, электр таъминоти, ижтимоий ёрдам, иш билан таъминлаш, оилавий масалалар, ёшлар ва хотин-қизлар муаммолари бўйича бирорта мурожаат назоратсиз қолмади. Йиғиндаги 14 та кўчанинг барчаси асфалт қилинди, тунги ёритиш чироқлари билан таъминланди. Қолаверса, тоза ичимлик сув тармоқлари 403 та хонадоннинг эшигигача олиб қирилди.




Шу ўринда бир мулоҳаза. Маҳалла раиси сифатида ҳар кунги турли оилалар билан мулоқот қиламан. Бир ҳақиқатни қайта-қайта англайман: қиз фарзанда бериладиган тарбия унинг шахсий бахти билан бирга, эртанги оиланинг мустаҳкамлигига ҳам хизмат қилади. Шунинг учун қиз болани фақат яхши ўқитиш ёки касбни қилишнинг ўзи етарли эмас. Уни мустақил ҳаётга, оила қуриш масъулиятига ҳам тайёрлаш зарур.

Баъзан ёш келинлар турмуш-га чиққанидан кейин оддий маиший масалаларни ҳам келишиб ҳал қилишга қийналади. Сабаби, уларга оилада сабр, ўзаро ҳурмат, мурося ва масъулият ҳақида етарлича ҳаётий сабоқ берилмаган бўлади.

Қизларимизга болалигида-ноқ кайнона-қайнотага ҳурмат, турмуш ўртоғига меҳр ва эътибор, қариндош-уруғлар билан аҳил муносабат ўрнатиш маданиятини ўргатишимиз керак. Бу кимгадир бўйсуниш эмас, балки янги оиладан ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитини шакллантириш демакдир. Худди шундай, йиғитлар ҳам бўлажак турмуш ўртоғини кадрлаш, унинг ҳуқуқ ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, оилада масъулиятни зиммасига олиш руҳида тарбияланиши шарт. Мустаҳкам оила икки томоннинг ҳам тўғри тарбиясига боғлиқ.

Менинг тақлимим шуки, ҳар бир маҳаллада турмуш қуриш арафасидаги ёшлар учун мунтазам “Оила ҳаёти мактаби” машғулотлари йўлга қўйилиши лозим. Бу машғулотларда тажрибали отахон ва онахонлар, психологлар, шифокорлар ва ҳуқуқшунослар иштирок этиб, ёшларга оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси, оила бюджети, низо-ларни тинч йўл билан ҳал қилиш каби мавзуларда амалий тавсиялар беришса, бу келажакда кўпала муаммоларнинг олдини олади.



ҲУКУМАТ ҚАРОРИ БИЛАН
“Бонд омбори
фаолиятини ташкил
этиш ва амалга ошириш
тартиби тўғрисида”ги
низом тасдиқланди.



**Ўзбекистонда
ХОРИЖИЙ КАПИТАЛ
ИШТИРОКИДАГИ
КОРХОНАЛАР сони
илк бор 20 мингдан
ошди.**



**Шаҳар ва қишлоқларни
ривожлантиришнинг
бош режалари бўйича
ЯНГИ ТАЛАБЛАР
ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.**

**2026 йил
22 июль,
ЧОРШАНБА**

Mahalla №58

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Мурожаат ечим топмагунча

ИЖРО ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА ТУРАДИ

Маҳалламиз республикада энг яхшилар сафидан жой олгани, аввало, яратиб берилган шароит ва имкониятлар мевасидир. Биз ана шу қулайликлардан самарали фойдаландик, холос. Натижада ривожланишнинг бутунлай янги босқичига кўтарилдик.



**Матёқуб МАШАРИПОВ,
Хива шаҳридаги
“Ангариқ” маҳалласи раиси.**

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари кенгайди, янги иш ўринлари яратилди, инфратузилма тубдан яхшиланди. Эришган ютуқларимиз омили — худудни ривожлантиришда таркоқ чоралар эмас, балки яхлит ва натижага йўналтирилган тизим шакллантира олдик. Тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминладик. Юзлаб янги иш ўринлари яратдик.

Самарасини одамлар ўз ҳаётида ҳис қилмоқда. Улар эндиликда иш излаб бошқа худудларга ёки хорижга кетишга мажбур бўлмапти. Аксинча, иш ўрни уларнинг ўз яшаш жойига, уйига яқинлашди. Бу эса оилалар хотиржамлиги ва тинчлигини таъминлашда муҳим омил бўляпти. Фаолиятимиздаги яна бир муҳим ўзгариш — ички муаммоларни юқори идораларга кўз тикиб ўтирмай, мустақил ҳал этиш имкониятига эга бўлдик. Бугунги кунда жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солигининг бир қисми тўғридан-тўғри маҳалламиз ихтиёрига —

жамғармамизга йўналтирилмоқда. Мақкур маблағларни аҳоли учун энг зарур бўлган ишларга сарфляпмиз. Хусусан, ички йўлларимизни шағаллаштирдик, пиёдалар учун қулай йўлакчалар барпо этдик. Қўчаларимизга замонавий тунги ёритиш чироқлари ўрнатдик, маҳалла бўйлаб кенг қўламли ободонлаштириш ва қўаламзорлаштириш ишларини ташкил қилдик.

“Еттилик” ходимлари билан бир-галикда ҳар бир хонадон кесимида мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиб, аниқлаб боряпмиз. Энг муҳими, уларни тезкорлик билан “Рақамли маҳалла” платформасига киритаяпмиз. Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, муаммо тўлиқ ва сифатли ҳал этилмагунча, унинг ижро ҳолати қатъий назоратда туради. Ушбу ёндашув тўғрйли мурожаатлар аввалгидек қўғозбозлик ёки идоралараро сансоларликлар, “хатбозликлар” ичида йўқолиб кетмаяпти.



ХОРАЗМ

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

“ҲАР ҚАНДАЙ МУАММОГА МАҲАЛЛАДА ЕЧИМ БОР”, деган қатъий ишонч уйғонди”

Агар шу кунларда маҳалламизга келсангиз, кўзингиз чексизликка тутшиб кетган яшил далалар, хил-хил пишиб турган помидорларга тушадди. Ҳавода эса ўзига хос ширин хид уфуриб туради. Бу ерда тонг саҳардан то қуёш уфққа бош қўйгунча ҳаёт қайнайди, одамлар далада меҳнат қилади.

Иш кунимни хонада эмас, мана шу далалараро деҳқонлар билан суҳбатлашишдан бошлайман. Ҳар бир фуқаронинг қизиқишини ўрганиб, зарур ёрдам бераман. Камбағаллик ва ишсизликни қисқартиришда уларга фақат моддий кўмак билан чекланмаяпмиз, балки ўз томорқасидан даромад топиш йўлларини ўргатаяпмиз.

Илгари ери бўла туриб, ундан фойдаланишни билмай, тиркичилик илинжида юрган оилаларни кўрсам, қандай ёрдам бериш ҳақида кўп бош қотирар эдим. Бугун ана шу саволга жавоб топилган. Жами 800 гектар майдонда помидор етиштириш лойиҳаси ишсизликка тўлиқ барҳам берди. Майдоннинг 250 гектари аҳоли томорқалари бўлса, 120 гектари мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Қолган қисмини эса 137 нафар ишсиз фуқарога 25 сотихдан тақсимлаб бердик. Ҳар бир хонадон мавсумда 50 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача соф даромад оляпти. Ҳатто кўшни маҳалла-



лардан 500-600 нафар ёлланма ишчи жалб қияпмиз.

Далада меҳнат қилаётган деҳқоннинг юзига боқсангиз, нурни, кўзида умидни кўрасиз. Ҳар қандай муаммога маҳаллада ечим бор, деган қатъий ишонч уйғонган. Масалан, яқинда терим бошланиши арафасида деҳқонлар олдимга келиб, “Ҳосил пишяпти, лекин сув йўқ”,

деб мурожаат қилди. “Еттилик” бирлашиб, натижага эришдик. Маҳаллага сув келди, далалар оммавий суғорилди. Деҳқоннинг муаммосини даланинг ўзида, вақтида ҳал этдик. Одамларнинг кўзидаги қувончни кўриб, касбимиз масъулиятини янада теранроқ англадим.

Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорлик

дастурлари орқали имтиёзли кредит ажратаяпмиз. Бу тадбир ҳам яхши самара беряпти. Масалан, Бобомурод Нодировнинг ерда ишлаш иштиёқи бор, лекин маблағи йўқ эди. Унга банк орқали имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик. Ўз ҳовлисида ҳамда ижарага олган 1 гектар ерда помидор ва қалампир етиштиришни йўлга қўйди. Яна бир маҳалладошимизга субсидия асосида замонавий электрон тикув машинаси бердик. Илгари эски қўл машинасида қийналиб қийим тикарди. Бугун иши енгиллашиб, рўзгор кам-кўстини ўзи қияляпти.



Яна бир ташаббускор йигитимиз олий ўқув юртининг 2-босқичида ўқийди. У 50 сотих майдонда помидор экиб, икки нафар тенгдошини иш билан таъминлади. Мавсумда 60-70 миллион сўм даромад олишни мақсад қияляпти.

Маҳалланинг ўзида махсус кичик бозорча ташкил этганмиз. Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва Жиззах вилоятидан харидорлар келиб, махсуслотларни жойида сотиб олишяпти. Помидор мавсуми тугагач, еримиз бўш қолмайди. Иккинчи ҳосил сифатида сабзи, шолғом ва картошка экиб, йил бўйи даромад занжирини узмаймиз.

**Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.**



ЖАЗИРАМА ИССИҚ экинлар учун хавфли

Айни кунларда ҳаво ҳарорати кескин ошиб кетди. Бундай жазирама нафақат инсонлар, балки экинлар, чорва моллари ва паррандалар учун ҳам хавфли. Шу боис нобудгарчилик ва ҳосил йўқотилишининг олдини олиш учун мутахассис тавсияларга амал қилиш муҳим.

**Мухиддин САЙФИЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
бошқарма бошлиғи.**

Ҳар қандай экинни эрта тонгда ёки кечкурун суғоринг. Энг мақбул вақт — қуёш чиқишидан олдинги соатлардир. Кечки суғориш ҳам яхши, аммо барглари узоқ вақт ҳўл қолдирмаслик керак. Куннинг энг иссиқ пайтида суғорилса, сувнинг катта қисми буглағиб кетади ва ўсимлик ҳарорат босимига учрайди.

Имкон бўлса, томчилаб суғориш усулидан фойдаланинг. Сувни барг устига эмас, илди атрофига оқи-зиш мақсадга мувофиқ. Тупроқни табиий махсуслотлар билан юмшатиш намликни узоқроқ сақлайди ва илдишни қизиб кетишдан ҳимоя қилади.



ИШ БИЛГАНГА, БАЛЛИ!

Жазирама кунларда ўсимликларни кесиш, кўп баргини олиб ташлаш ёки юқори меъёрга ўғит бериш тавсия этилмайди. Айниқса, куннинг иссиқ пайтида кимёвий дори сепиш барг ва меваларнинг қуйишига олиб келади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ихтиёр НАБИЕВ. Чирчиқ шаҳри:

— 15 ёшга тўлган фарзандим дарсдан бўш пайтларида дуконда сотувчилик қилмоқчи. Агар шариот шунини талаб қилса, ишлаши мумкинми?



“15 Ёшли фарзандим ишласа бўладими?”

**Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:**


— Йўқ, уларни доимий ёки оғир ишларга жалб этиш қонуан мумкин эмас. Меҳнат кодекси ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга кўра, Ўзбекистонда расмий ишга қабул қилиш ёши 16 ёш этиб белгиланган.

15 ёшга тўлмаган болалар фақатгина ота-онаси (ёки васийси)нинг расмий розилиғи бўлса, иш болининг соғлиғига зарар етказмаса, мактабдаги ўқишига (дарсларига) ҳалақит бермаса, енгил ишларда ишлаши мумкин.

Фақат қонунда белгиланган муайян ижодий ва енгил йўналишларда ҳафтасига кўпи билан 24 соат, агар бола мактабда ўқийётган бўлса, кўпи билан 12 соат меҳнат қилишга руҳсат берилади.



Ўзбекистонда гендер тенглиги бўйича МАМЛАКАТ ПРОФИЛИНИНГ ЯКУНИЙ ЛОЙИХАСИ муҳокама қилинди.



2026/2027-ўқув йилида аёллар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича 4 000 та ҚЎШИМЧА ДАВЛАТ ГРАНТИ АЖРАТИЛАДИ.



2027 йил 1 январдан саратонга чалинган беморларни таъхислаш, дори-дармон ва тиббий жиҳозларни БМТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ етказиб беради.

4

Mahalla

№58

2026 йил
22 июль,
ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ —
ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

АЁЛ МАЪНАВИЯТИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН МЕЗОН ҚОЛМАГАН



САМАРҚАНД

Оилаларни четдан кўп кузатаман. Тинч-тотув турмуш кечираётганлардан қандайдир янги нарса ўрганишга ҳаракат қиламан. Тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, маҳалланинг осойишталиги, оилаларнинг кут-барақаси, фарзандлар тарбияси, асосан, аёл маънавияти билан боғлиқ.

Баҳора АБДУҚОДИРОВА,
Жомбой туманидаги “Тут” ва “Тўққизбой”
маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Агар у ўқиган, илму маърифатли бўлса, рўзгор юмушларига ҳам улгуради, касбу корини ҳам бемалол эплайди. Энг муҳими, қаерда қандай гапириш кераклигини билади. Турмуш ўртоғи, қайнота-қайнонасининг ҳурмат-иззатини жойига қўяди. Маҳалламизда олий маълумотли опа-сингилларимиз анчагина. Улар билан доимий ҳамфикрмиз. Фаолиятимиз юзасидан турли маслаҳат ва йўл-йўриқлар оламиз. Низоли оила вакилларига уларни ҳар жиҳатдан намуна қилиб кўрсатамиз. Бу амалиёт йил сайин ўзининг ижобий самарасини кўрсатаяпти. Хотин-қизлар орасида таълим олишга иштиёқ анча ортган. Аввалги йиллардан фарқи ўларок, битирувчилар орасидан 60-65 фоиз қизлар олий таълим муассасаларига ўқишга кирапти. Олдин ўқимишли келинни хоҳламайдиганлар энди шартнома пулини тўлашга ҳам рози.



Қизларни катта турмушга тайёрлаш — жуда жиддий масала. Фарзандини ўн саккизга тўлар-тўлмас узатиб юборганларнинг кўпини кўрдик. Айримлари синовларга дош бериб, ҳаёт илмини келинлик уйида ўрганган бўлса, баъзилари ажрашиш йўлини танлади. Бундай аламли кечмишлар, афсуски, ҳали ҳам кўп рақ учраяпти.

Охирги ўн йил ичида опа-сингилларимизнинг таълим олиши учун жуда кўп имкониятлар яратиб берилди. Ижтимоий реестрда турадиган эҳтиёжманд оила хотин-қизлари қўшимча грант асосида ўқишга қабул қилинапти. Қийналганларнинг шартнома пуллари тўлаб бериляпти. Таълим кредитлари сабаб қанчадан-қанча талаба тўла-тўқис билим оляпти. Магистратура босқичида эса қизларимизга тўлиқ грант тақдим этиляпти.



Маҳалламизда олий таълим муассасасига кира олмаган хотин-қизларнинг ҳунар эгаллаши учун имкон қадар шароит яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Биргина ҳамширалик курсимизни тамомлаган 30 нафардан кўпроқ битирувчи бугун оила аъзоларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни уддалаяпти. Қолаверса, чеварларимизга шогирд тушган қизлар бемалол ўзи ва яқинларига қўйлақ тикияпти.

Келгусида мазкур ташаббус қўламини янада кенгайтириб, ҳудудимиздаги бўш турган бинода касб-хунар маркази ташкил этишни мақсад қилганмиз. Назаримда, бу аёлларимиз орсусидаги таълим маскани бўлади. Бир ишнинг бошини тутган кишининг эса умри мазмунли ва фаровон ўтади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ИШЛАГАНГА МАҲАЛЛА, ИМКОН БЕРАР ҲАР ПАЛЛА

Маҳаллада ишлаган одам зеркиш нимагини билмайди. Ҳар куни турфа феъл-атвордаги инсонлар билан гаплашиш, уларнинг уй-хаёллари ва орзу-мақсадларига ошно тутиниш ҳаётий қарашларимизга ҳам катта таъсир кўрсатади. Киши ҳар қадамда ўқиши ва малакасини ошириши кераклигини англаб бораверади.

Шукрилла ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Зангиота туманидаги
“Бодомзор” маҳалласи раиси.

Агар тарих саҳифаларини varaқлайдиган бўлсак, йил сайин ҳудудларда шароит яхшилаиб бораётгани, халқнинг турмуш фаровонлиги ортаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан, бизнинг маҳалламизда ҳам тобора ўсиш ва илдамлаш яққол кўзга ташланыпти. Айтайлик, бундан уч-тўрт йил аввал ижарага олинган бинода ўтирардик. Ҳомийлар кўмагида бу муаммо ўз ечимини топди. Энди янги ва замонавий жиҳозланган хоналарда аҳоли вакилларига хизмат кўрсатаяпмиз.



Бундан ташқари, инфратузилма билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳам ҳал қилишга эришдик. Айниқса, халқимизнинг ўзаро аҳил-иноқлиги сабаб бир неча марта “Ташаббус-ли бюджет”да ғолиб бўлиб, кўчаларимизни асфальт қилдик. Тунги ёритиш чироқлари ҳамда кузатув камераларини ўрнатиб, жиноятчилик сонини кескин камайтиришга эришдик.

Маҳалламизда охирги уч йилдан буён умуман ажрашиш қайд этилмаган. Низоли оилалар ҳам деярли йўқ. Хонадон вакиллари бахтли турмуш кечиришнинг сири — ҳалол меҳнат қилиш ва тинч-тотув яшашда эканини яхши билишади.

Сўнгги йилларда фуқароларнинг тадбиркорлик ва деҳқончилик қилишга иштиёқи анча ортди. Масалан, Даврон Каримов 2024 йилдан

буён Корея технологияси асосида қўлпнай етиштириш билан шуғулланиб келяпти. Маҳалла тавсияси билан берилган 33 миллион сўм имтиёзли кредитдан бошланган қи-зиқиш қўлами бугун анча кенгайган. Томорқа ва ижарага берилган 20 сотих ер миришкорнинг янги-янги тажрибаларида анча қўл келяпти. Айни вақтда у ҳар хил навдаги қўлпнай қўчатларини етиштириш билан банд. Давроннинг эришаётган натижалари қўни-қўшниларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Жорий йилда Зилола Убайдуллаева ва Азиза Хусанова шу йўналиш ортидан яхшигина даромад топди.

Келгусида тадбиркорликнинг бошқа йўналишларини ҳам ривожлантириб, янги иш ўринлари очишни мақсад қилганмиз. Жумладан, жорий йилда Сардор Аҳмедовнинг янги бизнес лойиҳасини амалга татбиқ қилишга эришдик. У замонавий болалар мебелларини ясаш орқали 4 кишининг доимий бандлигини таъминляпти. Қолаверса, шу ҳунари ортидан аҳолига арзон ва сифатли маҳсулот етказиб берапти.

Бугун маҳаллаларда меҳнат қилиш, ўсиш ва натижаларни яхшилаш учун барча шароит етарли. Фақатгина кўн билан уларни амалга татбиқ этиш керак, ҳолос. Биз “еттилик” ҳодимлари билан доим илғорлар сафида бўлиш учун бу имкониятни қўлдан бой бермаймиз.

ДАРОМАД МАНБАИ

ШОДИЯНИНГ ШОДЛИГИ МЎЪЖАЗ ТОМОРҚАСИДАН

Олот туманида истиқомат қиладиган Мухсин Ҳамдомов ва унинг турмуш ўртоғи Шодия Жўраева учун ҳалол меҳнат қилиш, экин ерини яшнатиб, мўл ҳосил етиштириш нафақат даромад манбаи, балки жамиятда ўз ўрнига эга бўлишнинг муҳим мезонидир.

Хонадон бекаси Шодия Жўраева — оиласининг ҳақиқий таянчи. Унинг ҳаётдаги асосий мақсади икки нафар фарзандининг камолини кўриш, улар учун муносиб шарт-шароит яратишдир. Бунинг учун бор қуч ва имкониятини ишга солаётган миришкорлар ҳовлиси эстагидаги 25 сотих томорқа еридан рўзгор эҳтиёжини қопламқда.

Имтиёзли кредит ҳисобига қурилган 3 сотихли иссиқхонанинг 2 сотих қисмида 600 тупдан ортиқ помидор қўчати парвариш қилиниб, 4 тоннадан зиёд ҳосил олиш режалаштирилган. Бу ўртача 20 миллион сўм соф фойда дегани. Иккинчи иссиқхонадаги 200 тупдан ортиқ бодринг қўчати айна кунда мўл ҳосил бермоқда.

Бундан ташқари, томорқада ўрик, нок, олма, гилос, шафтоли, узум, анор каби дарахтлардан иборат бог барпо қилинган.

Айни кунда 17,5 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига яна 5 сотихли иссиқхона қуришга киришилган. Бу ҳам ҳосилдорликни ошириб, кўпроқ моддий манфаат қўриш учун қўли имконият демак.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМҲУЖАЕВА
тайёрлади.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

БИР АЁЛНИНГ ТАШАББУСИДАН БУТУН МАҲАЛЛАГА БАРАКА КИРДИ



Шўрчи туманининг “Наврўз” маҳалласида яшовчи Нилуфар Саидова бугун нафақат ўз оиласи фаровонлиги учун меҳнат қилмоқда, балки тажрибаси билан кўплаб хотин-қизларга илҳом улашмоқда.

Нигина ШОЕВА,
журналист.

Бир вақтлар кичиккина ният билан бошланган паррандачилик фаолияти бугун яхшигина даромад манбаи, тажриба мактаби ва аёлларни тадбиркорликка ундовчи соҳага айланди.

Ховлига киришингиз билан жўжа ва паррандаларни меҳр билан парваришляётган инсонни кўрасиз. Бу ерда ҳар бир иш ортида сабр, изланиш ва катта мақсад мужассам.

— Аёл киши имконият топса, албатта, натижага эришади, — дейди Нилуфар Саидова. — Мен ҳам оддий шароитда иш бошлаганман. Бугун эса билганларимни бошқа аёлларга ўргатаётганимдан хурсандман. Улар ҳам ўз даромадига эга бўлишини истайман. Машгулотларда иштирок этаётган хотин-қизлар паррандачилик сирларини назарий эмас, амалий тарзда ўрганмоқда. Жўжа танлаш, парвариш қилиш, озиклантириш, касалликларнинг олдини олиш ва маҳсулотни сотишгача бўлган барча жараёнлар батафсил тушунтирилмоқда. Зеро, уйда беқор ўтиргандан кўра, меҳнат қилиб даромад топиш яхшироқ экан.

Нилуфар Саидованинг саъй-ҳаракатлари туфайли бугун кўплаб хотин-қизлар янги касб эгаллаш, оиласига қўшимча даромад келтириш ва ўз кучига ишонч билан қарашни бошламоқда. Зеро, бир аёлнинг меҳнати нафақат ўз хонадонига, балки бутун маҳаллага барака олиб келиши мумкин.



Янги ўқув йилида
иқтидорли талабалар
учун жами 776 та
ПРЕЗИДЕНТ ВА НОМЛИ
ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯСИ
ажратилади.



Ўзбекистонда
5 йиллик иш стажига
эга фукароларни
ОЛИЙГОҲГА ТАВСИЯ
ЭТИШИ МУМКИН
БЎЛГАН ТАШКИЛОТЛАР
руйхати тасдиқланди.



Халқаро
шахмат федерацияси
ЖАВОҲИР СИНДАРОВНИ
“Энг яхши шахматчи” ва
“Йил кашфиёти” бўйича
номзодлар қаторига
киритди.

2026 йил
22 июль,
ЧОРШАНБА

Mahalla №58

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР —
ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

МУЛОҚОТ КЕЧИҚДИМИ, ИҚТИДОР КАМАЯДИ,
ИШТИЁҚ ҚЎЛЛАНМАСА, ИНТИЛИШ ЙЎҚОЛАДИ

ЕТАҚЧИ — ЁШЛАРГА ҚЎМАҚЧИ

Кеча иш излаб эшигимизни тақиллатган йигит бугун ўз устахонасининг эгаси,
бозорга маҳсулот олиб чиқаётган тадбиркор ёки иссиқхонасида меҳнат қилаётган
фермерга айланганини кўриш — ёшлар етакчиси сифатида энг катта ютуғимдир.

ФАРФОНА

Элёр ҚОДИРОВ,
Қўштепа туманидаги
“Қумтепа” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Ўтган олти ой давомида 18 нафар ёшга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратишига қўмаклашдик. Улардан бири Сардор Умаров мебелчиликни танлади. Узоқ вақт иш излаб юрди, қўлида ҳунари бўлса-да, керакли ускуналари йўқлиги сабаб мустақил фаолият бошлай олмасди. Сўхбатларимиз давомида унинг кўзидаги ишончли кўрдим ва кредит олишига амалий ёрдам бердик. 30 миллион сўм маблағ эвазига замонавий мебель дастгоҳларини харид қилди. Дастлаб кичик буюртмалар билан иш

бошлаган бу йигит бугун мижозлари сонини қўпайтириб, ўз устахонасини очди.

Худудимизда кишлоқ ҳўжаллиги соҳаси ҳам ёшлар учун катта имконият яратмоқда. Иссиқхона ташкил этиш учун уч нафар ёшга кредит ажратилди. Бугун улар помидор, бодринг ва бошқа сабзавотларни етиштириб, нафақат ички бозорга, балки экспортга ҳам чиқармоқда. Ўзумчилик билан шуғулланаётган ёшлар икки-уч хил экспортбоп навларни парваришляпти.

Маҳалламизда 1 479 нафар ёш истикомат қилади. Ёнимиздаги йирик бозор эса улар учун тадбиркорлик, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг имконият яратган. Йил давомида вақтинча ишсиз қолган ўн нафар ёшнинг расмий бандлиги таъминланди. Кредит олган ёшларнинг эса барча-

си бугун ўз фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиб, барқарор даромад топмоқда. Шу боис худудимизда ишсизлик деярли учрамайди. Меҳнат қилишни истаган ёш учун бу ерда имконият ҳам, қўллаб-қувватлаш ҳам етарли.

Яна бир қувонарли жиҳат — ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳўқўқбузарлик ҳўлатлари қўзатилмайдди. Албатта, баъзан ўсмирлар орасида тортишувлар, феъл-атворнинг кескинлиги ёки ўзини қўчлироқ кўрсатишга уриниш ҳўлатлари учраб туради. Мен бундай вазиятларга ҳеч қачон бефарқ қарамайман. Чўнки бугун эътиборсиз қўлдирилган кичик келишмовчилик эртага катта муаммага айланиши мўмкин. Шу сабаб ҳар бир ёш билан алоҳида сўхбатлашишга, муаммони вақтида бартараф этишга ҳаракат қиламан. Мен учун ёшлар етакчиси бўлиш ҳар бир

йигит-қизнинг ишончли сўхбатдоши бўла олишдир.

Ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқиши эса мени ҳар сафар қувонтиради. Шахмат, стритбол, футбол ва армрестлинг бўйича мўнтазам шўғулланаётган йигит-қизларимиз деярли барча мўсабақаларда фаол иштирок этиб, бир неча бор совринли ўринларни қўлга киритишган. Энди уларнинг иштиёқини янада қўллаб-қувватлаш навбати бизники. Шу мақсадда маҳалламизда сўнъий қўпламали стадион барпо этиш, спорт жиҳозлари билан таъминлаш ва замонавий инфратўзилмани яратишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Ёшларимизнинг муваффақияти — маҳалламизнинг муваффақияти. Уларнинг орзулари қанот ёзиши учун имконият яратиш эса мен учун виждоним олдидаги бурчдир.

“ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ” ВА “ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚИШ” ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТ КАМАЯДИ



Бугунги дунёда университетларнинг нуфузи фақат уларда берилаётган диплом билан эмас, битирувчининг исталган мамлакатда ўз билимини намоён қила олиши билан ҳам ўлчанмоқда. Меҳнат бозори тобора глобаллашиб бораётган бир даврда “қаерда ўқидингиз?” деган саволдан кўра, “сизнинг билимингиз халқаро стандартларга қанчалик мос?”, деган савол муҳимроқ бўлиб бораётир.

Лола ОДИЛОВА,
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети магистранти.

У маънода Президенти-мизнинг “Республикада халқаро таълим стандартлари асосида ўрта махсус, касбий ва олий таълим дастурларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакат таълим тизимида янги босқични бошлаб берувчи муҳим ҳўжатлардан бири сифатида эътиборга лойиқ.

Мазкур қарорнинг моҳияти шундаки, эндиликда Ўзбекистон таълим тизими халқаро мезонларни шунчаки ўрганиш эмас, балки уларни бевосита таълим жараёнига сингдириш йўлини танламоқда. Бу эса узоқ йиллар давомида мавжуд бўлиб келган “чет элда ўқиш” ва “Ўзбекистонда ўқиш” ўртасидаги кескин тафовутни босқичма-босқич камайитиришга хизмат қилади.

Энг эътиборли жиҳатлардан бири — ўқув дастурлари дунёнинг энг нуфузли олийгоҳлари академик талаблари билан ўй-ғўнлаштирилади. Бу оддий техник жараён эмас. Аслида, бу ёндашув Ўзбекистон таълим тизимининг сифат мезонларини халқаро майдонда тан олинган университетлар даражасига олиб чиқишни аниглади. Масалан, бугун “Quacquarelli Symonds” ёки “Times Higher Education” рейтингларининг “ТОП-100” талигига кирувчи университетлар талабларига мос дастур асосида тахсил олган талаба эртага хориждаги ҳамкор университетга ўтганда фанларни қайтадан ўқишга мажбур бўлмайди. Энг муҳими, билим узлуксизлиги таъминланади.

Қарордаги “1+3”, “2+2” ва магистратура босқичидаги “1+2” моделлари ҳам ана шу ўзвийликнинг амалий ифодасидир. Илгари

қўллаб ёшлар хориж университетларига қирган тақдирда ҳам барча босқични чет элда ўқишга мажбур эди. Эндиликда таълимнинг бир қисмини Ўзбекистонда, қолган қисмини хорижда давом эттириш имконияти кенгаймоқда. Бу модель нафақат иқтисодий жиҳатдан қўлай, балки талабага янги академик муҳитга босқичма-босқич мослашиш имконини ҳам беради.

Мисол учун, оддий оилада вояга етган, чет элда тўрт йил ўқиш учун етарли маблағи бўлмаган иқтидорли йигитни тасаввур қилайлик. Авваллари унинг олдида иккита йўл бор эди: ё бутунлай хорижга кетиш ёки фақат маҳаллий университет билан чекланиш. Интеграциялашган таълим модели эса учинчи имкониятни яратмоқда. У дастлаб Ўзбекистонда халқаро стандартлар асосида тахсил олиб, кейинчалик ҳамкор университетда ўқиниш давом эттиради ва халқаро тан олинган дипломга эга бўлиш имкониятини қўлга киритади.

Қарорга кўра, Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳўзурида Буюк Британия тажрибаси асосида Интеграциялашган дастурлар олий мактаби ташкил этилади. Бу лойиҳа оддий янги факультет эмас, янги академик маданиятни шакллантиришга қаратилган тажриба майдонидир. Агар ушбу модель ўзини оқласа, келгусида бошқа олий таълим муассасалари учун ҳам намунавий тизимга айланиши мўмкин.

Алоҳида эътибор қаратишга арзийдиган жиҳатлардан яна бири — техникумлар ва олий мактаб ўртасидаги ўзвий боғлиқликдир. Кўп йиллар давомида техникум битирувчилари олий таълимга ўтишда қўшимча тўсиқларга дуч келарди. Эндиликда интеграциялашган дастурларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар тегишли бакалаврият йўналишида кириш имтиҳонларисиз таълимни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Айрим ёшлар вояга етмай туриб меҳнат қилади ёки тадбиркорлик билан шуғулланади. Эндиликда бундай ёшларнинг ҳўқўқий мақомини белгилаш тартиби аниқ йўлга қўйилди.

Хўкумат қарори билан “Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) бўйича давлат хизмати кўрсатиш”нинг маъмурий регламенти тасдиқланди. Мазкур тартиб меҳнат қилаётган ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган вояга етмаганларнинг қўнуний ҳўқўқларини таъминлашга хизмат қилади.

Янги тартибга кўра, ушбу хизматдан Давлат хизматлари маркази, “Инсон” маркази ёки ижтимоий ҳўдим орқали, шунингдек, “my.gov.uz” портали ёрдамида фойдаланиш мўмкин. Бироқ бу-



нинг учун бир қатор шартлар мавжуд. Ариза берувчи психологик жиҳатдан етук бўлиши, ўз ҳаракатларининг оқибатини англай олиши, камида уч ой давомида узлуксиз меҳнат ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган, шунингдек, таълим муассасасидаги ўзлаштириши ва давоматига оид ижобий тавсифга эга бўлиши лозим.

Мазкур талаблар бажарилган тақдирда ваколатли орган шахсни тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилади. Қабул қилинган қарор эса тўғридан тўғри Эмансипация қилинган шахслар реестрига киритилади.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



ССУДА АСОСИДА ШЕРИКЛИКДА БИЗНЕС ЮРИТИШ МУМКИНМИ?

Ўқтам БАҲРОМОВ. Самарқанд вилояти:

— Ўқув маркази очиш учун “Кўмак” лойиҳаси доирасида БҲМнинг 320 бараваригача ссуда олишни режалаштиряпман. Агар ссуда олганимдан кейин бизнесимни кенгайтириш мақсадида шерик олиб, қорхонамни МЧЖга айлантирсам ёки устав капиталидаги улушимнинг бир қисмини бошқа шахсга берсам, ссуда шартлари бузиладими?

Гуллола РЎЗИЕВА,
ҳўқўқшўнос, адвокат:

— Мазкур вазиятда “Кўмак” лойиҳаси доирасида ажратилган ссуданинг мақсади ва белгиланган шартлар асосида фойдаланилиши муҳим аҳамиятга эга. Агар ссуда яқка тартибдаги тадбиркорга ажратилган бўлса, унинг кейинчалик фаолиятини МЧЖ шаклида давом эттириши қўнуңчиликда тақиқланмаган. Бироқ ссуда шартномаси ҳамда лойиҳа низоми талабларига риоя этилиши шарт.



Хўсусан, агар ссуда юридик шахсга ажратилган бўлса, устав фондидаги камида 50 фоизлик улуш ссуда ажратилган пайтда ёш бўлган таъсисчига тегишли бўлиши ва кредит шартномаси амал қилаётган давр мобайнида ушбу улуш камайитирилмаслиги ёки бошқа шахсга ўтказилмаслиги лозим. Мазкур талаб бузилган тақдирда, Жамғарма ссуда маблағларини мўддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш ҳўқўқига эга.



Етим болалар учун
қўшимча 1 фоизлик,
Ижтимоий реестрдаги
оилалар фарзандлари
учун қўшимча
10 фоизлик ДАВЛАТ
ГРАНТИ КВОТАЛАРИ
АЖРАТИЛДИ.



Ижтимоий ҳимоя
миллий агентлигида
БМТ Тараққиёт
дастурининг
Ўзбекистондаги Доимий
вакили АКИКО ФУДЗИИ
ХОНИМ билан учрашув
булиб ўтди.



“БЕШ ТАШАББУС
ПАРАЛИМПИАДАСИ”да
жорий йилда
республика бўйича
105 мингдан ортиқ
параспортчи иштирок
этди.

6

Mahalla

№58

2026 йил
22 июль,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



БУХОРО

ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ —
ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

“ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ” МУҲТОЖЛАР ҲАЁТИДА МУЖАССАМ...МИ?

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини
улуғлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя
қилиш давлат сиёсатининг энг устувор
йўналишларидан бирига айланган.



Элбек ИКРОМОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
ҳузуридаги Ижтимоий инспекциянинг
Навоий вилояти бошқармаси
бош мутахассиси.

Ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётган муҳим ташаббуслардан бири “Фаол ҳаётга қадам” дастуридир. Дастур ижроси доирасида Навбахор туманида ўтказилган ўрганишлар давомида ўзгалар парварishiга муҳтож кекса ёшдаги фуқароларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг сифати ва ҳолати атрофлича таҳлил қилинди. Жумладан, “Меҳнат” маҳалласида яшовчи Олимқул Сафаров билан ўтказилган суҳбатда у уй шароитида кўрсатилаётган ижтимоий-маиший хизматлардан мамнун эканини билдирди. Фуқаронинг таъкидлашича, ижтимоий ассистент овқат тайёрлаш, кийим-кечакларини ювиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини харид қилиш, тиббий муассасаларга боришда ҳамда кундалик юмушларида доимий амалий кўмак кўрсатмоқда.



Бироқ ўрганишлар давомида айрим камчиликлар ҳам аниқланди. Хусусан, “Қизилработ” маҳалласида ёлғиз истиқомат қилувчи Раъно Маманазарованинг яшаш шароити ўрганилганда, унинг хонадонида таъмирлаш ва мослаштириш ишлари етарли даражада ташкил этилмагани маълум бўлди.

Бу эса фуқаронинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда, айниқса, санитария-гигиена талабларига риоя қилишда қийинчиликлар келтириб чиқарган. Бу муаммони туман “Инсон” маркази ўз вақтида назоратла олмагани сабабли хизмат олувчининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан масъуллар иштирокида муҳокама ўтказилиб, Раъно Маманазаровага зарур ижтимоий хизматларни тўлиқ ташкил этиш, яшаш шароитини яхшилаш ва аниқланган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўйилса, масъулларга нисбатан қатъий таъсир чоралари қўлланилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Шу билан бирга, “Кескантерак”, “Бешработ”, “Қўхрон”, “Янгиобод”, “Қизилой”, “Янгиҳаёт”, “Тошработ” ва “Ялтирбод” маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан мутасаддилар билан танқидий муҳокамалар ўтказилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазибалар белгиланди.

“Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида амалга оширилаётган ҳар бир мониторинг ва ўрганиш нафақат мавжуд муаммоларни аниқлаш, балки уларни ўз вақтида бартараф этиш, аҳоли муурожаатларига тезкор ечим топиш ҳамда инсон қадрини юксалтиришга қаратилган ислохотларнинг ҳаётдаги амалий натижасини таъминлашга хизмат қилади.

КўМАК БИЛАН ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАШ МУМКИН, ҲАТТО КЕКСАЙГАНДА ҲАМ

Халқимиз азалдан нуронийларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб келган. Уларнинг ҳар бир сўзига қулоқ тутиб, ўзлари учун катта сабоқ олган. Ҳақиқатан, кексаларнинг ёш авлод тарбиясида тутган ўрни беқиёс. Ўзоқ йиллар давомида тўпланган тажриба ва ҳаёт илми йўлларимизни худди шамчиروқ каби ёритади.

Нодирбек ҲАМИДОВ,
Когон туманидаги
“Когон” маҳалласи
ижтимоий ходими.

у боис фаолиятим давомида ёши улуғ инсонларнинг ҳолидан тез-тез хабар олишга ҳаракат қиламан. Баъзан давлат тақдим этаётган имкониятлардан ташқари, хомийлар ва саховатпеша кишиларни жалб қилган ҳолда уларнинг муносиб турмуш кечириши учун шароит яратиб берамиз.

Ана шундай фуқаролардан бири Тўрақул бобо Ботировдир. Бир неча йил аввал инсульт касаллигини бошдан кечирган фуқаро ўзоқ вақт давомида ётоқдан туролмай қолган.

Оила ҳолатини ўргангач, Тўрақул бобо якка яшовчи кекса сифатида рўйхатга

олинди ҳамда “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш ва тиббий-ижтимоий реабилитация хизматларига қамраб олинди.

Биринчи навбатда, Тўрақул бобо мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Шунингдек, унинг саломатлигини тиклаш мақсадида бир неча бор санаторий-соғломлаштириш масканларига юборилиб, реабилитация муолажаларини олиши таъминланди.

Бундан ташқари, оилани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида куз-қиш мавсуми ҳамда муборак Рамазон ойи муносабати билан бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Мазкур ёрдамлар оиланинг кундалик эҳтиёжларини қоплаш ва турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилди.

БИЗДАН ФАҚАТ
МЕҲР ҚОЛАДИ...



Авваллари бутунлай ётоққа михланиб қолган Тўрақул бобонинг соғлиғида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатиляпти. Бугунги кунда у мутахассислар тавсиясига амал қилган ҳолда секин-аста мустақил юришни бошлаган. Бу эса оила аъзолари учун катта қувонч ва умид бағишламоқда.

Инсон қадрини улуғлаш, эҳтиёжманд фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган бундай ижтимоий хизматлар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя тизими ислохотларининг амалий натижаси бўлиб, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда.



БИЗ СЕН БИЛАН, БОЛАЖОН...

БИЛИМ, СПОРТ ВА ИЖОД УЙҒУНЛИГИДА МАЗМУНЛИ ТАЪТИЛ



Жорий йилнинг июнь ойида ўтказилган “Кўёшли болалар” спорт мусобақаларида мактабнинг Али Дашзарини, Асл Рисбоев, Азиз Қаршибоев ва Фарзона Нуруллаева каби 4 нафар ўқувчиси муносиб иштирок этиб, жами 5 та медални қўлга киритди.

Бу натижа мактабда спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги ишларнинг амалий самарасидир.

Айни вақтда мактаб жамоаси ёзги таътилни мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Таътил даврида ўқувчилар спорт машғулотлари, ижод ва фан тўғрисидаги маърузалар, шунингдек, касб-хунар йўналишидаги машғулотларга мунтазам жалб этилиб, буш вақтини мазмунли ва самарали ўтказмоқда.

Бу жараёнда педагоглар ҳамда тўғрақ раҳбарлари ҳар бир ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятидан келиб чиқиб, машғулотларни ташкил этмоқда.

Мазкур тадбирлар нафақат болаларнинг дам олишини мазмунли ўтказишга, балки уларнинг истеъдодини ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ва янги кўникмалар эгаллашига ҳам хизмат қилмоқда.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Тошкент вилояти бошқармаси
тасарруфидаги Ангрен шаҳар 9-сонли
алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган
болалар учун ихтисослаштирилган
мактабда бугунги кунда 112 нафар
ўқувчи таҳсил олмоқда.

Элбек ШОЙИМКУЛОВ,
журналист.

Таълим масканида ўқувчиларнинг билим олиши билан бир қаторда уларнинг спорт, ижодий ва касбий қобилиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этган “Инсон учун” марафонида мактабнинг 21 нафар ўқувчиси фаол иштирок этди. Мусобақа якунига кўра, Латифа Абдурахмонова 3-ўринни эгаллаб, 1 миллион сўм, Мадина Яхёева эса 2-ўринни қўлга киритиб, 2 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Ушбу ютуқлар ўқувчиларнинг қатъияти ва интилишининг ёрқин намунаси бўлди.



СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Мен 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатида тураман. Кўп қаватли уйда яшаганим сабабли йиллар давомида кўчага чиқишга қийналдим. Ҳатто, умрим давомида кимнингдир ёрдамига доимий муҳтож бўлиб қоламан, деган хавотирим ҳам бор эди.

Юлдуз УМИРОВА.
Қарши шаҳридаги
“Ойдин” маҳалласи.

Маҳалламизга ижтимоий ходими Ёқутхон Ражабова келгач, ҳаётимда туб бурилиш юз берди. У менинг муаммоларимни диққат билан ўрганди ва “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан уйим олдида пандус қуриб берилди. Энди мен ҳеч кимнинг ёрдамига эҳтиёж сезмасдан, бемалол кўчага чиқаман, дўконга, шифохонага мустақил бора оламан.

Пандус нафақат ҳаракат эркинлигимни, балки умид ва ишон-



“ҲОЛИМНИ
СЎРАБ КЕЛИБ,
ХАВОТИРИМНИ
АРИТДИ”

чимни ҳам тиклади. Шунингдек, касб-хунар эгаси бўлдим. Ўзим севган соҳада ишлай бошладим. Шу орқали жамиятнинг фаол аъзосига айландим. Юртимизда ижтимоий ҳимоя тизимига қаратилаётган эътибор олдимизга янги мақсадлар қўйишга илҳом бағишляпти. Мен каби мил-

лионлаб шахсларнинг огирини енгил қилиб, ҳаётига мазмун киритяпти.

Кўрсатилаётган ёрдамлар учун чин дилдан миннатдорман. Умид қиламанки, шундай лойиҳалар бошқа ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳам турмуш шароитини енгиллаштиришга ёрдам беради.



2027 йил 1 январдан бошлаб ипотека кредитлари тўлаётганларга СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ “ПРОАКТИВ” ТАРТИБДА қўлланади.



Ўзбекистонда ИСЛОМИЙ БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ тартиби ва шартлари белгиланди.



Ўзбекистонда ярим йилда 6 350 та тадбиркор ИККИ ВА УНДАН Ортиқ марта ТЕКШИРИЛДИ.

2026 йил
22 июль,
ЧОРШАНБА

Mahalla №58

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Бир ой олдин менга еттита маҳалла бириктирилди. Унгача учта маҳалла билан ишлардим. Дастлаб масъулият оғирлашгандек туюлди. Чунки ҳар бир маҳалла ортида юзлаб хонадон, ўнлаб тадбиркор ва минглаб саволлар туради. Аммо вақт ўтгани сайин англадим: бу ишни шошилиш эмас, тартиб бошқаради.

Энг муҳими, ўзгаришларни

ХАЛҚЧИЛ ТИЛДА ТУШУНТИРИШДА

САМАРҚАНД

Бекзод НОРМУМИНОВ,
Оқдарё туманидаги “Истиклол”,
“Зарафшон”, “Узунқишлоқ”,
“Учтепа”, “Темирак”, “Авазали”,
“Миёнкал” маҳаллалари солиқ инспектори.

“Истиклол” маҳалласининг ўзида 1 112 нафар солиқ тўловчи бор. Йил бошидан ҳар бир хонадонга солиқ тўлов хабарномаларини шахсан етказаман. Шу баҳонада уй эгаларининг телефон рақамларини ҳам қайд қилиб оламан. Кейин уларга навбатма-навбат кўнглироқ қилиб, тўлов муддати яқинлашаётганини эслатаман, солиқ бўйича камчиликлари бўлса тушунтираман. Кимдир тўловни нақд, кимдир онлайн шаклда амалга оширади. Муҳими, одамлар жараёнини тушуниб, тўловни ўз вақтида бажариши.

Маҳаллаларимизда 234 нафар тадбиркор фаолият юритади. Аксарияти қишлоқ шароитида савдо-сотиқ билан шуғулланади. Уларга қонунчиликдаги ўзгаришларни ҳужжат тилида эмас, ҳаётий шаклда тушунтиришга ҳаракат қиламан.



Одамларнинг энг кўп берадиган саволларидан бири: “Нега менинг солиғим кўшимманидан кўп чиқди? Ахир еримиз бир хил-ку?”, деган сўроқ бўлади. Бир кун икки кўшни шу масалада бирга олдимга келди. Уларнинг ер майдони деярли тенг эди. Мен электрон маълумотларни очиб, ҳар бирининг мол-мулк объектларини биргаликда кўриб чиқдим. Маълум бўлишича, улардан бирининг ҳовлисидан янги қурилган кўшимча бино ва алоҳида хўжалик иншоотлари рўйхатга олинган, иккинчисидан эса бундай объектлар йўқ эди. Шунда мулк солиғи фақат ер майдонига эмас, рўйхатдан ўтган мол-мулкнинг қиймати ва тавсифига ҳам боғлиқлигини батафсил тушунтирдим. Аввалига эътироз билан келган фуқаро ҳужжатларни кўргач, вазиятнинг тўғри қабул қилди.

МУҲИМ ЭСЛАТМА!

Янги қарор ёки солиқ тизимидаги ўзгаришлар эълон қилинса, кўтиб ўтирмайман. Жадвал қилиб оламан ва тадбиркорларнинг олдига ўзим бораман. Ҳар бирига янгиликнинг мазмунини содда тилда тушунтираман, саволларига жавоб бераман. Ҳафтанинг икки кунини битта маҳаллага ажратаман. Маҳаллалар ёнма-ён жойлашгани вақтни тежайди, белгиланган иш тартибини ишларимни изчил ташкил этишга ёрдам беради. Шу боис еттита маҳалла кўпдек туюлса-да, режа асосида ишлаганда ҳар бир манзилга, ҳар бир тадбиркорга ва ҳар бир муҳофафзага улгуриш мумкин.

Фаолиятимни бошлаганимга ҳали кўп бўлмади. Лекин бугун ортимга қараб шуни ишонч билан айти оламан: бу йўлда устозларимнинг ҳиссаси бекиёс. Улар менга фақат иш тартибини эмас, касбга виждон билан ёндашишни ўргатишди. Ҳар сафар фуқарога тушунтириш бераётганимда, муаммосига ечим излаётганимда ёки тадбиркорнинг саволига сабр билан жавоб қайтараётганимда устозларимнинг бир гапи ёдимга тушади: “Солиқчи фақат солиқ йўғмайди, у давлат билан фуқаро ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди”. Мен ҳам ҳар кун иш шунини оқлаш учун хизмат қиламан.

Солиқ аудити яқунлангач, айрим тадбиркорлар далолатномадаги хулосаларга рози бўлмагани учун уни имзолашдан бош тортади. Улар “ҳужжатга имзо қўймасам, текширув натижалари ҳам кучга кирмайди ёки кейинги жараён тўхтайдими”, деб ўйлашади. Аслида эса бу нотўғри тушунча.

Аудит хулосасига ЭЪТИРОЗИНГИЗ БОРМИ?

Далолатномани имзолаш текширув натижаларига розиликни эмас, фақат ҳужжатни қабул қилиб олганингизни аниқлатади. Масалан, тадбиркор аудит давомида айрим ҳисоб-китоблар нотўғри чиқарилган, деб ҳисоблайди ва шу сабабли далолатномани имзоламайди. Бироқ бу ҳолат текширув натижаларини бекор қилмайди. Агар солиқ тўловчи ҳужжатни олишдан бош тортса, далолатноманинг бир нусхаси унга бюуртма хат орқали юборилади ва у қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган ҳисобланади.



Агар аудит хулосаларига эътирозингиз бўлса, бунинг қонуний йўли мавжуд. Далолатнома олинган кундан бошлаб, 10 кун ичида ёзма эътироз билдиришингиз мумкин. Шунингдек, аудит якуни бўйича қабул қилинган қарордан норози бўлсангиз, бир ой ичида юқори турувчи солиқ органига шикоят қилиш ҳуқуқига эгасиз.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАБУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Фақат раис эмас, “ЕТТИЛИК” АЪЗОСИ ҲАМ ЛАВОЗИМГА сайланса...

ТОШКЕНТ В.



Сўнгги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида яратилган имкониятлар маҳалламиз ҳаётини сезиларли даражада ўзгартирди. Бугун одамлар фақат кунини ўтказиш ҳақида эмас, балки эртанги кунини қандай яхшилаш ҳақида бош қотираётганини кўряпмиз.

Анвар СЕРИКБОЕВ,
Чиноз туманидаги
“Каналобод”
маҳалласи раиси.

Авваллари ҳудудимизда, асосан, қовунчилик ривожланган эди. Минг гектардан ортиқ майдонларда қовун етиштирилиб, хатто хорижий давлатларгача экспорт қилинарди. Аммо йиллар ўтгани сайин сув тақчиллиги кучайди ва эски усуллар аввалгидек самара бермай қолди. Ана шундай вазиятда янгиликка журъат қилган инсонлар пайдо бўлди. Ташландиқ ер майдонини Маҳмуд Илёсов аукцион орқали ютиб олиб, шу ерда замонавий иссиқхона барпо этди. У Корея ва Хитой тажрибаларини ўрганиб, қўлпнай етиштириш технологиясини айнан бизнинг ҳудуд шароитига мослаштирди. Жорий йилда тажриба тариқасида 35 та иссиқхонада иш бошланди, дастлаб уч нафар фуқаро бу йўналишга кўл урди. Бугун эса уларнинг натижасини кўрган кўпчилик келаётган куз мавсумида қўлпнай қўчатлари экишга тайёргарлик кўрмоқда. Бир инсоннинг журъати бутун маҳаллага янги йўл очиб бераётганини кўриш қувонарли.

Маҳалламиз фақат деҳқончилик билан чекланиб қолмайди. Бу ерда “меҳнат қиламан”, деган одам учун имконият етарли. Турли йўналишларда кичик цехлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа турли тадбиркорлик субъектлари мавжуд. Тўлғаной Мираҳмедованинг фаолияти бунга яққол мисол. У бундан йигирма йил аввал оилавий тадбиркорлик сифатида бошлаган балиқчиликни бугун йирик фермер хўжалигига айлантирди. Ҳозир 76 гектарлик ҳовуларда балиқ парваришланади, 15 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Гулнора НОРБЕКОВА,
Хоразм вилояти:

— Мен болаликдан II гуруҳ ногирониман. Корхонада меҳнат шартномаси асосида ишлайман. Ойлик иш ҳақимдан жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи ушлаб қолинмоқда. Шу ҳолатда менга даромад солиғи бўйича имтиёз қўлланиладими?

II ГУРУҲ НОГИРОНИГА ИШ ҲАҚИДАН СОЛИҚ ИМТИЁЗИ БЕРИЛАДИМИ?



Шухрат САИДОВ,
Хоразм вилояти солиқ бошқармаси
бошлиғи:


— Ҳа, сиз ушбу имтиёздан фойдаланишингиз мумкин. Солиқ кодексининг 380-моддаси биринчи қисми 3-бандига мувофиқ, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланган шахсларнинг (Чернобыль АЭСдаги ҳалокат оқибатида ногиронлиги белгиланган шахслар бундан мустасно) ҳар ойги иш ҳақининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари миқдоридаги қисми жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғидан озод этилади.

Мазкур имтиёз сизга пенсия гувоҳномангиз ёки Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси берган ногиронлиқни тасдиқловчи ҳужжат асосида қўлланилади. Агар иш жойингизда ушбу ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, уларни иш бевручига топширишингиз тавсия этилади. Шундан сўнг, қонунчиликда белгиланган тартибда даромад солиғи бўйича имтиёз қўлланилади.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шахноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Ўзбекистонда
1,5 минг нафарга
яқин киши
ЎЗЛАРИ БЕХАБАР
ҲОЛДА ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИЛГАНИ
аниқланди.



Фарғонада
ЧАҚАЛОҒИНИ
СОТИШГА
УРИНГАНЛИКДА
АЙБЛАНГАН
эр-хотин 5 йилдан
озодликдан
махрум қилинди.



“Mygov.uz” сайтини
сохталаштириб,
фуқароларнинг
1 миллиард сўмдан
ортиқ пулини ўғирлаган
ЖИНОИЙ ГУРУҲ
ҚўЛГА ОЛИНДИ.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

Халқимизда ҳаётий бир ҳикмат бор: “Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олиш муҳим”. Маҳаллада хавфсизликни таъминлаш ҳам мана шундай ёндашувни талаб қилади.

Оила хотиржамлиги, болалар беғубор кулгуси ҳар қандай чарчоқни унуттиради



Бобомурод РЎЗИБОВЕВ,
Тупроққалъа туманидаги
“Нукус маскани” маҳалласи
профилактика инспектори.


Тўғри, осойишталик ўз-ўзидан, бир кунда яралиб қолмайди. У ҳар куни одамлар дарди билан яшаш, ҳар бир оиланинг ташвишига қўлоқ тутиш ва муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш орқали бунёд бўлади.



Ўтган давр мобайнида 119 та асосли хулоса тайёрладик. Бунинг ортидан ўнлаб ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг барвақт олди олинди. Рақамлар ортида инсонлар тақдири, сақлаб қолинган оилалар турганини ҳисобга олсак, юзлаб хонадонларда тинчлик ўрнатдик. Бундан ташқари, оилавий низолар сабабли оғир аҳволга тушиб қолган 6 нафар хотин-қизга “ҳимоя ордери” расмийлаштирдик. Уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қила олдик. Бугун уша хонадонларда осойишталик ҳукмрон. Муқаддам судланган икки нафар фуқарога нисбатан маъмурий назорат ўрнатдик. Улар билан мунтазам профилактик суҳбатлар ўтказяпмиз.

Спиртли ичимликларга ружу қўйган икки нафар фуқаро бор эди. Ўзига ҳам, оиласига ҳам жиддий хавф туғилаётганди. Шу боис уларни даволаш бўлимига жойлаштирдик. Бу чоралар орқали юз бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олдини олдик. Чунки ўзимни шунчаки хизмат вазифасини бажараётган ходим, деб билмайман. Аксинча, вазият талаб қилса, чинакам маслаҳатчи, оилаларнинг ишончли суянчига айланаман, адашган ёшларга йўл кўрсатаман. Ҳудуд жиноятчилиқдан холи маконни бир неча йиллардан бери сақлаб келаётгани шундан.

Ҳар куни оқшом тушиб, маҳалла кўчаларига тун чўққанда, кунлик ишларни сарҳисоб қила туриб, ўзимга “Ҳўш, бугун халққа, жамиятга қандай наф келтирдим?”, деган мазмунда савол бераман. Унга ижобий жавоб топа олган куним хотиржам тин оламан.



Ушбу сондаги
барча мақолалар матнини
мусахҳиҳ
Феруза ФЎЗАЙЛОВА
ўқиди.

Бир сўз билан айтганда, мавжуд осойишталик ортида ҳар куни одамлар қувончи ва ташвиши билан бирга яшаш, уларнинг дардида шерик бўлиш ҳамда муаммоларини барвақт бартараф этишдек машаққатли меҳнат мужассам. Оилалар хотиржамлиги, болаларнинг беғубор кулгисини кўрганимда чарчоқларни унутаман. Чунки шу элнинг тинчилиги — энг катта мукофотдир.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Қўли меҳнат, хаёли рўзгор билан банд одамнинг

ЖИНОЯТГА ВАҚТИ ҲАМ, ХОҲИШИ ҲАМ БЎЛМАЙДИ

...Маҳалла-мизда яшовчи Отабек (исми ўзгартирилган) узоқ вақт тайинли иш топа олмай юрди. Кейин унда тушкунлик бошланди. Натижада оиласида ҳаловат йўқолди, эр-хотин қунора жанжаллашадиган одат чиқарди. Вазият шу даражага етдики, агар вақтида аралашмасак, катта фожиа ёки жиноят юз бериши муқаррар эди.



Одилбек ЖАББОРОВ,
Термиз шаҳридаги
“Гулистон” маҳалласи
профилактика инспектори.

У боис кечиктирмай, Отабек билан узоқ гаплашдим. Қалбига қўлоқ тутдим. Англадимки, унинг дарди — оилда эркаклик шаънини, масъулиятини йўқотиб қўяётганида экан. “Еттилик” кўмаги билан унга иш топиб бердик. Орадан икки ой ўтиб, ижобий ўзгариш кузатилди. Оиласида тинчлик ҳукм сура бошлади. Мана шу биргина вазият орқали ичимдан ўтган хиссиётни таърифлаб бера олмайман.

Агар фаолиятимизга назар ташласак, аввало, профилактика ҳисобида турувчи фуқаролар билан доимий ва тизимли назоратни йўлга қўйдик. Қоғозбозликдан қочиб, ҳар бир инсоннинг хонадонига кирдик, дардини эшитдик.

Тажрибамда ҳуқуқбузарликнинг илди-зи бекорчилик эканини англадим. Қаерда фуқаро бекорчи ва иш билан таъминланмаган бўлса, уша ерда, албатта, ҳуқуқбузарлик содир этилади. Қўли меҳнатда, хаёли рўзгор тебратишда банд инсон жиноятга қўл урмайди, бунга вақти ҳам, хоҳиши ҳам қолмайди. Шу боис, ишсизликни тўлиқ тугатишни бош мақсад қилиб олдик. Бу борада ҳоким ёрдамчиси билан

елкама-елка туриб ишладик. Профилактик ҳисобда турган, адашган фуқароларнинг бандлигини таъминладик. Масалан, маҳалладошимиз Камолитдин Азизов 3 йилдан бери ишсиз эди. Унинг рўзғорида барака, ўзида эса эртанги кунга ишонч қолмаганди. Жорий йилда тавсия ва кўмагимиз билан бу инсонни муносиб ишга жойлаштирдик. Бугун Камолитдин ҳалол меҳнат билан оиласини боқмоқда.

Маҳалла тинчлиги фақат кундузи эмас, тунда ҳам ҳимояда бўлиши шарт. Постпатруль ҳамда Қўриқлаш хизмати ходимлари билан яқин ҳамкорликда иш ташкил этганмиз. Айниқса, илгари ҳуқуқбузарлик ва тартиббузарликлар содир этилиши мумкин бўлган хавфли нукталар, гавжум жойларга алоҳида эътибор қаратдик. Тунги навбатчилиқдаги, профилактик суҳбатлар ва тушунтириш ишлари ўз меvasини берди — маҳалланинг файзи ҳам, хавфсизлиги ҳам тубдан ўзгарди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича видеоселектор йиғилиши ҳаётимда энг унутилмас кун бўлиб қолди. Шу кунги меҳнатларимиз муносиб эътироф этилди. Ички ишлар вазири буйруғи билан менга муддатидан олдин капитан унвони берилди. Бу — “Гулистон” маҳалласининг барча ходимларига, ахил жамоамизга берилган муносиб баҳодир.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло АБДУРАХМОНОВ
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ЯШАШ МАНЗИЛИ БЎЛМАСА, қандай рўйхатга олинади?

Назира ИСМОИЛОВА,
Учкудук тумани:

— Маълумки, ҳар бир фуқаро яшаш жойи бўйича рўйхатга туриши мажбурий этиб белгиланган. Лекин баъзи инсонларда аниқ яшаш манзили бўлмайди. Мана шундай вазиятда улар қандай тартибда рўйхатга олинади?



Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазири Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Бу масала “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тартибга солинган.

Унга кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва аниқ яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролар “Е-хабар бериш” тизимида маълумотларни кириштириш орқали

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфидаги муассасаларда “Инсон” ижтимоий ёрдам марказлари орқали рўйхатга олинади. Турган жойи бўйича рўйхатга олиш ички ишлар органларининг миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимларига ёки таянч пункт-

лари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларига, ДХМга шахсан мурожаат қилинганда амалга оширилади. Шунингдек, “Е-хабар бериш” тизими орқали хабардор қилиш ва “Е-mehtmon” тизими орқали жойлаштириш воситалари ёки даволаш муассасаларида рўйхатдан ўтиш мумкин.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 324 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-720

